

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2:2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.К.Үринов, А.Н.Рафиков

Иккита сингуляр коэффициентли гиперболик типдаги тенгламанинг умумий ечимини
куриш.....5

А.С.Бердышев, М.С.Азизов

Түгри түртбұрчақда түртінчи тартибли сингуляр коэффициентли тенглама учун аралаш
масала.....10

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

О.Деңқонова, Ф.Юсупова

Умумий ўрта таълим мактабларыда физикани ўрганиш самарадорлигини оширишда
интерфаол методларни күллаш20

КИМЁ

Б.Саттарова, И.Асқаров, А.Жўраев, К.Киргизов

Табиий ва синтетик озиқ-овқат қўшилмаларининг фойдали ва заарли хусусиятлари24

Ғ.Очилов, Г.Турсунова, Р.Карабаева, А.Иброхимов, М.Исақов

Мева данакларидан адсорбентлар олиш ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш27

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Р.Х.Максудов

Асаларичилик ва ушбу соҳа ривожида олий маълумотли мутахассисларнинг ўрни31

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.Қ.Кўзиев, Н.Ю.Абдурахмонов, Н.Ж.Халилова

Тупроқ унумдорлигини баҳолашнинг айrim жиҳатлари34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Гафуров, Г.Халматжанова, А.Мирзаев

Ўзбекистон иқтисодиётида инновация ва модернизация38

ТАРИХ

А.Махмудов

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганишнинг манбашунослиги ва
тарихшунослиги42

Ў.Хошимов, Р.Шукуруллаев

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олий таълим муассасаларида кадрлар
тайёрлашдаги ўзгаришлар (Фарғона водийси мисолида)46

Т.Хатамов

Ўзбекистонда ҳалқ таълими тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш,
хорижий тилларни ўқитиш ва кадрларни қайта тайёрлашда ҳалқаро муносабатларнинг
илмий таҳлили.....50

У.Хўжамуратов

Ўзбекистонда ширкат хўжаликларидаги муаммолар ва уларнинг тугатилиши55

А.Алоҳунов

Фарғона қадимги шарқ илк дәҳқон жамоаларининг миграциялари даврида.....60

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Ж.Я.Яхшиликов, Б.Мирзарахимов

Жамият ҳаётига мағкуравий муносабатларнинг таъсири ва уларнинг намоён бўлиш
хусусиятлари64

Б.Ғаниев, М.Ғаниева, М.Неъматова

Ҳуқуқ фалсафасига доир қарашлар: назария ва амалиёт67

Ш.Аббосова

Глобаллашув шароитида жамият хавфсизлиги ҳамда мамлакат барқарорлигини
таъминлаш масалалари72

УДК: 53+532

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ФИЗИКАНИ ЎРГАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

О.Деҳқонова, Ф.Юсупова

Аннотация

Мақолада умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни физикага ўқитишда технология фанини ўрганишга оид масалаларга боғлаб дарс ўтишининг интерфаол усуслари ёритиб берилган.

Аннотация

В статье изложены интерактивные методы обучения физике в общеобразовательной школе в соотношении с вопросами, касающимися изучения технологической науки.

Annotation

The article emphasizes interactive methods of teaching physics and their connections in the study of the subject's of technology in secondary schools.

Таянч сўз ва иборалар: қаттиқ жисм, суюқлик, газсимон, иссиқликдан кенгайиш, иссиқлик сифими, интегратив, молекуляр тузилиши, кристалл жисмлар, "Зигзаг", "Концептуал".

Ключевые слова и выражения: твердое тело, жидкость, газообразное, тепловое расширение, теплопроводность, интегративное, молекулярная структура, кристаллические тела, "Зигзаг", "Концептуальный".

Keywords and expressions: solid body, liquid, gaseous, heat expansion, heat capacity, integrative, molecular structure, crystalline bodies, "Zigzag", "Konzeptual".

Давлат таълим стандарти, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ умумий ўрта таълим мактабларида умумий таълим предмети сифатида ўқитиладиган физика курсининг мақсади физикадан фундаментал билим бериш, физик ҳодисалар ва оламнинг физик манзарасини илмий асосда тушунтириш орқали ўқувчиларнинг илмий дунёқараси ва, асосийси, техник фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, назария ва амалиётнинг диалектик боғлиқлигини очиб бериш, табиатда ва техникадаги физик жараёнларни идрок этиш салоҳиятларини ошириш, олган билимларини кундалик ҳаётий эҳтиёжларида ва халқ хўжалигидаги фаолиятларида қўлланиш учун тайёрлаш, техник ижодкорлик ва таълим олишни давом эттириш учун замин яратишни таъминлашдан иборат.

Ҳозирги кунда табиий фанларга оид билимларни, жумладан, меҳнат таълими (2017 йил 27 апрелдан меҳнат таълими фани технология фани, деб ўзгартирилди) ва физика фанидан билимларни интеграциялаш муаммоси замонавий таълимнинг энг долзарб муаммолари ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим мактаблари технология ва физика фанини ўқитиш жараёнида, интегратив билимлар мазмуни, ҳажмини аниқлаш, ўқувчилар онгода умумлашган интегратив тушунчалар мажмуасини шакллантириш ва ривожлантира бориши асосида физикадан таълим беришнинг самарали йўлларни топиш имконияти мавжуд.

Технология фани бўйича амалий машғулотларда турли материалларга ишлов беришдан олдин уларнинг физиковий хусусиятларини билиш зарур. Модданинг ташки таъсир натижасида ўзининг кимёвий таркибини сақлаб қолиш хусусияти унинг физик хоссалари дейилади. Бундай хоссаларга материалларнинг ранги, зичлиги, эрувчанлиги, иссиқликдан кенгайиши, иссиқлик сифими, иссиқлик ва электр ўтказувчанлиги, магнитланиши каби хоссалари киради. Масалан, металл қиздирилганда, ундан иссиқлик ёки электр токи ўтганда, металлга магнит таъсир эттирилганда унинг таркиби ўзгармайди. Металлнинг физик хоссалари уларни бир-биридан фарқлашда ва ишлатишда жуда кўл келади. Масалан, ҳар қандай металл ўзига хос ялтироқликка эга бўлиб, бу, унинг ранги дейилади. Материал қиздирилганда ўзидан иссиқликни тез ўтказиши унинг иссиқлик ўтказувчанлиги дейилади. Металл ўзидан иссиқликни қанча тез ўтказса, у шунчалик тез ва текис қизизиди ҳамда совийди. Шу сабабли металлардан буюмлар ясашда ва уларга ишлов бериш чоғида уларнинг иссиқликдан ўлчамлари ўзгариши мумкинлигини ҳисобга олиш зарурлиги қайд этилади. Умуман олганда, материалларни физиковий хусусиятига кўра фарқлай олиш, муқобилларини танлаш орқали деталь ва буюм қисмларини тайёрлашга эришилади.

Ўқувчиларнинг физика дарсларида олган билимларидан технология фанини ўрганишда фойдаланиш йўллари қуйидагича:

1) ўқувчиларни ўқув устахоналаридаги иш тажрибаларидан физик ҳодисаларни, қонунларни ва уларни техникада қўлланишларини тушунтиришда, муаммоли вазиятлар ҳосил қилдиришда, физик билимларни

О.Деҳқонова, Ф.Юсупова – ФардУ ўқитувчилари, ўқув усталари.

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

қўлланишини намойиш қилишда фойдаланиш;

- 2) технология дарсларида қўлланиладиган ҳолатларга асосланган масалалар ечиш;
- 3) физика тажрибаларидан техника обьектларида фойдаланиш.

Умумий ўрта таълим мактабларида (6-синфдан 11-синфгача) физика дарслари учун йиллик 68 соат вақт ажратилган бўлиб, уларни ўқитиш замонавий педагогик технологияларга асосланган интерфаол методлардан фойдаланилган ҳолда олиб борилади. Технология фани мавзуларининг таҳлили шуни кўрсатадики, физикадан кўплаб мавзуларни ўрганишда ўқувчилар ўзлари мустақил ишлашлари, қонунлар ва амалий ишларнинг бажарилиши бўйича хулоса қила олишлари мумкин. Бунда ўқувчилар амалий малакаларининг ривожланиши таъминланади.

Масалан, ўқувчилар физика курси 6-синфда “Қаттиқ жисм, суюқлик ва газларнинг молекуляр тузилиши” мавзуларини ўрганиши Технология курси 7-синфда “Металларнинг хусусиятлари” мавзусини ўзлаштиришида ёрдам беради. Чунки ўқувчилар моддаларнинг молекуляр тузилиши, яъни қаттиқ, суюқ ва газ ҳолатда бўлишини, қаттиқ жисмлар икки турга: кристалл ва аморф жисмларга бўлининишини, кристалл жисмларга турли металлар киришини, кристалл жисмларнинг кристалл панжарасининг тузилиши, бундан ташқари қаттиқ жисмларнинг механик хоссалари ҳақидаги билимларга эга бўладилар.

“Қаттиқ жисм, суюқлик ва газларнинг молекуляр тузилиши” мавзусини тушунтиришда қўйидаги интерфаол методлар кўлланилса, ўқувчилар мавзуни яна ҳам яхши ўзлаштирадилар.

Мавзу: “Қаттиқ жисм, суюқлик ва газларнинг молекуляр тузилиши”.

1-метод: Янги мавзуни баён этишда “Зигзаг” стратегиясини қўллаймиз.

Бу стратегия ўқувчилар билан кичик гуруҳларда ишлаш, улар томонидан мавзунинг тез ва пухта ўзлаштирилишини таъминлашга хизмат қиласди.

Машғулотларда стратегияни қўллаш қўйидаги кетма-кетлиқда амалга оширилади:

Ўқувчи (талаба)лар бир нечта (4-6 та) гурухга бўлинади

Янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн ҳам тегишли равишида 4-6 та қисмга ажратилади

Ҳар бир гурухга мавзунинг муайян қисми (1-матн, 2-матн, ... ва х.к.) берилади ва уни ўрганиш вазифаси топширилади

Белгиланган вақт мобайнида гуруҳлар матн устида ишлайди

Вақтни тежаш мақсадида гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади, улар ўрганилган матнга оид асосий маълумотларни гуруҳдошларига сўзлаб берадилар.

Лидерларнинг фикри гуруҳ аъзолари томонидан тўлдирилади

Барча гуруҳлар ўзларига берилган матнни пухта ўзлаштирганларидан сўнг матнлар гуруҳлараро алмаштирилади

Бу босқичда ҳам матнлар гуруҳлараро алмаштирилади

Шу тахлитда мавзу моҳиятини ёритувчи яхлит матн ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади


Унинг афзаллиги шундаки, стратегияни қўллашда: 1) ўқувчиларда жамоа (гуруҳ) бўлиб ишлаш кўникмаси шаклланади; 2) мавзуни ўзлаштиришга сарфланадиган вақт тежалади.

Берилган вақтдан сўнг ҳар бир гуруҳдан вакиллар чиқиб, қўлларидаги маълумотларни қолган гуруҳларга баён этади.

1-матн: Совуқ қиши кунларида ҳовузлар, күллар ва ариқларда сув музлайди. Ёзда, аксинча, ҳовузчадаги сув анча туриб қолса, қуриб қолади.

Бунда сув бүгга айланиб кетади. Табиатда сув уч хил ҳолатда учрайди: қаттиқ – муз ҳолатида, суюқ – сув ва газсимон – бүг ҳолатида. Демак, бүг, сув ва муз бир хил молекулалардан ташкил топган. Улар фақат молекулаларнинг ўзаро жойлашиши ва ҳаракати билан фарқ қиласиди. Бүг алоҳида алоҳида молекулалардан ташкил топган бўлиб, тўхтосиз ва тартибсиз ҳаракат қиласиди. Шу сабабли сув юзасидан кўтарилиган бүг ҳавога осон аралашиб кетади. Ҳаво таркибида ҳар доим сув бүғлари бўлади. Шунингдек, ҳавода кислород, карбонат ангирид каби бошқа газлар бор. Уларнинг молекулалари ҳам тўхтосиз ва тартибсиз ҳаракатда бўлади.

2-матн: Дераза тирқишидан тушган ёруғликка ён томондан қарасангиз, ҳаводаги жуда майда чанг зарраларининг ҳам тўхтосиз ва тартибсиз ҳаракатини кузатишингиз мумкин. Уларнинг бундай ҳаракати ҳаводаги турли газ молекулалари билан тўхтосиз тўқнашиб туришлари туфайлидир. Пуфланадиган юпқа шарни бироз шишириб, оғзини маҳкам боғлайлик. Уни кўл билан қиссан, кичрайганини кўрамиз. Демак, газни сиқиш мумкин. Иккита юпқа шарни олиб, бирини бирорта найча орқали пуфлаб шиширайлик. Сўнгра шарча оғзини ип билан маҳкам боғлаб, найчанинг иккинчи учини бошқа пуфланмаган шарча оғзига маҳкамлайлик. Сўнгра биринчи шарча оғзидағи боғланган ипни очиб юборсак, ҳаво найча орқали иккинчи шарчага ўтиб, уни шиширади (1-расм). Демак, газ бир идишдан иккинчисига туташтирилган най орқали ўз-ўзидан ўта олади. Газни қайси идишга солмайлик, ўша идиш шаклини ва ҳажмини тўла эгаллади. Газларнинг молекулалари орасидаги масофа молекулаларнинг ўлчамидан ўртача 100–1000 марта катта. Бундай масофада молекулаларнинг ўзаро тортишиш кучи жуда кичик бўлади.




1-расм.

3-матн: Газ хусусий шаклга ва ҳажмга эга эмас.

Суюқлик бирор идишга қуйилса, ўша идиш шаклини эгаллади. Лекин ўз хусусий ҳажмини сақлайди. Дўёноларда яхна ичимликларнинг 1,5 л, 1 л ва 0,5 л сифимли идишларда сотилишини яхши биласиз. Автомобиль ёнилғилари ҳам литрлаб ўлчанади. Суюқликларда молекулалар яқин жойлашганлиги туфайли ўзаро тортишиш кучлари сезиларли бўлади. Шунга кўра улар ўз ҳажмини сақлайди. Лекин оғирлиги таъсирида «ялпайиб», идиш шаклини олади. Суюқлик молекулалари орасидаги тортишиш кучи суюқлик шаклини сақлай оладиган даражада катта эмас. Шундай бўлса-да, суюқликни сиқиш жуда қийин. Бир тажрибада сувни сиқиш учун у қўроғшин шар ичига қуиб, оғзи кавшарланган. Шундан кейин шарни қисиш учун у оғир болға билан урилган. Бунда сув қисилмасдан шарни ёриб, сизиб чиқкан.

4-матн: Суюқлик хусусий ҳажмга эга, лекин шаклга эга эмас. Атрофимиздаги кўпчилик нарсалар қаттиқ жисмлардан иборат. Ручка, партаси, уй, машина ва ҳ.к. Уларнинг барчаси ўз шаклига эга. Уларнинг шаклини ўзгартириш учун катта куч сарфлаш керак. Қаттиқ жисмларда молекулалар (атомлар) суюқликлардагига нисбатан ҳам яқин жойлашади. Бундан ташқари, улар тартиб билан жойлашади. Жойлашган ўрнида тебраниб туради. Масалан, ош тузини олсак, унинг молекуласи NaCl , яъни Na – натрий ва Cl – хлор атомидан ташкил топган. (2-расмда) Улар тўғри чизиқ билан бирлаштирилганда, панжара кўринишида бўлади.



2-расм.

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Матнадаги маълумотларни бошқаларга тушунтирадилар. Камчиликлар ўқитувчи томонидан тўлдирилади. Демак, бу методдан янги мавзуни ўзлаштириш учун фойдаланса бўлади.

2-метод “**Концептуал жадвал**” график органайзери ўқувчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда ўқувчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Машгулотлар чоғида график органайзердан қўйидагича фойдаланилади:

- 1) ўқитувчи ечими топилиши лозим бўлган мавзу (масала)ни аниқлади;
- 2) ўқувчилар мавзу ва график органайзердан фойдаланиш қоидаси билан таништирилади;
- 3) ўқувчилар кичик гурухларга ажратилади;
- 4) гурухлар ўзларига берилган топширикни бажаради;
- 5) гурухларнинг ечимлари синф (гурух) жамоасида муҳокама қилинади.

Доскага “Концептуал жадвал” чизилади. Ҳар бир жамоадан биттадан вакил чиқиб, уни тўлдиради.

Концептуал жадвал намунаси:

| Изоҳ берилувчи тушунчалар | Тушунчалар, бирликлар | Формулалар | Татбиқлар |
|----------------------------------|--|---------------------------------|---|
| Агрегат ҳолатлар | Қаттиқ, суюқ газ | | Бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши |
| Зичлик, ҳажм | кг/м ³ , м ³ | $\rho = \frac{m}{V}$ V=S * l | Ҳажм кичик бўлса, зичлик ортиб боради. |
| Кристалл, аморф | Модификация, шакл сақламайди. | | Кристалл панжара тузилишига, физик параметрларига боғлиқ |
| Қаттиқлик, мустаҳкамлик | | | Қаттиқлик даражаси, мустаҳкамлик чегараси зичликка боғлиқ. Модданинг агрегат ҳолати қаттиқлик ва мустаҳкамликни белгилайди. |
| Анизотроп, Изотроп. | | | Атом ва молекулаларнинг ҳажм бўйлаб тартибли жойлашиши, барча йўналишлар бўйлаб хоссаларининг бир хил бўлиши. |
| Монокристаллар Поликристаллар | Бир марказдан иборат, кўп марказдан иборат | | Ташки таъсирлар натижасида хусусиятини ўзгартириш тезлигининг турлича бўлиши. |

“Концептуал жадвал” график органайзеридан ўтилган мавзуни мустаҳкамлашда фойдаланамиз.

“Зигзаг” ва “Концептуал жадвал” усулларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг ўзлари ўрганишлари, мустақил изланишларида катта самара беради. Аммо бундай усуллардан фойдаланиш доим ҳам ўринли эмас. Шундай мавзулар борки, уларни ўқувчи мустақил тасаввур қила олмайди, бунинг учун ўқитувчининг кўмаги керак бўлади. Моддаларнинг молекуляр тузилиши эса ҳаётимизнинг ҳар жабхасида кўриш мумкин бўлган ҳаракатлар қонуниятларидир. Уларни ўқувчи мустақил тасаввур эта олади, шунинг учун ҳам биз тавсия этаётган ноанъанавий дарс учун “Қаттиқ жисм, суюқлик ва газларнинг молекуляр тузилиши” мавзусини танладик.

Биз илгари сурган муҳим тавсия концептуал жадвал асосида хулоса ясаш, муҳим ва асосий жиҳатларга ургу беришда ўқувчининг мустақил фикрлашини, фикрлар теранлигини ошириш имконини беради.

Кўпчилик тадқиқотчилар концептуал жадвалдан гуманитар фанларда фойдаланиш самаралироқ, деб ҳисоблайдилар. Аммо биз ундан физикани ўрганишда ҳам фойдаланиш ўзига хос юқори натижа бериши мумкинligини кўрсатдик. Бу метод дарс якунида мавзуни янада мустаҳкамлаш учун қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. Жўраев Р.Х, Умронхўжаев А. Интеграция –янги сифат // Узлуксиз таълим. -2002, №1.
2. Ишмуҳаммедов Р., Абдуқодиров А. Тарбияда инновацион технологиялар. -Т.: Истеъодод, 2010 .
3. Отакулов Б, Пўлатов Ю, Онарқулов К, Фозиев З, Якубова Ш. Молекуляр физика. -Фарғона, 2006 .

(Тақризчи: К.Онарқулов, физика-математика фанлари доктори, профессор)